

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун 5 999 994 сўм пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади. 1 (хисоб-китоб килиш шакли курсатилди)

Йил	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Жами
кВт	4444.44	4444.44	4444.44										13333.32
Сум	1999998	1999998	1999998										5999994

3.4. «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. «Истеъмолчи» хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган ҳолда истеъмол миқдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аникланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот «Таъминотчи»га _____ гача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши миқдори «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тўлов учун «Истеъмолчи»га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га хисоб-фактура ёзиб беради.

Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, «Истеъмолчи» тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари бўйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс ҳолда, «Таъминотчи» тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли ҳақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми бўйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси бўйича қайта хисоб-китоб қилган ҳолда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тариқасида хисобга олинади.

3.8. «Истеъмолчи» томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг 30 фоизидан кам (олдиндан тулов миқдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган миқдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи миқдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 (Ўттиз) кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортиқмасин) амалга оширилади. «Истеъмолчи»да электр энергияси учун 30 (Ўттиз) кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тариқасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тариқасида хисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки миқдорини курсатиши керак. Акс ҳолда, «Таъминотчи» тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.